

“РАБИЙ АЛ-АБРОР” НИНГ ҲИНДИСТОНДА САҚЛАНАЁТГАН ҚҮЛЁЗМАСИ ВА АСАРДА КЕЛТИРИЛГАН ҲИНД ДИЁРИГА ОИД БАЪЗИ ИҚТИБОСЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7398802>

Тўраев Лазиз Абдивали ўғли

Тошкент давлат шарқшунослик университети бўлим бошлиғи, Шарқ фалсафаси
ва маданияти кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шахри

телефон: +998 97 7200014 Turayevlaziz86@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада қадимги Ҳиндистоннинг илк маданий цивилизацияси, жаҳон маданиятига қўшиган ҳиссаси, нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам машҳур ҳисобланган асарларнинг Ҳиндистондаги қўлёзмалари хусусида фикр юритилган. “Бутун дунё устози” шарафли унвон эгаси Махмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарида турли халқларнинг тарихи, қадриялари, урф-одатлари, уларнинг лаҗжалари, ўша ҳудуднинг табиати ва географияси билан боғлиқ маълумотлар ўрин эгаллайди. Мазкур мақолада асарда келтирилган Ҳиндистон халқи билан боғлиқ баъзи иқтибослар ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: илк цивилизация, қўлёзма, кутубхона, “Бутун дунё устози”, “Рабиъ ал-аброр”, шахмат, хиёнат, қимор.

ABSTRACT

The article discusses the first cultural civilization of ancient India, its contribution to world culture, the manuscripts of works in India that are considered popular not only in these time, but also today. In the book "Rabi' al-abrar" by Makhmud Zamakhshari, the owner of the honorary title of "Ustaz ad-Dunya", the history, values, traditions, dialects, nature and geography of different peoples are known. This article discusses some of the quotes related to the people of India in the work.

Key words: early civilization, manuscript, library, "Ustaz ad-Dunya", "Rabi' al-abrar", chess, betrayal, gambling.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются первая культурная цивилизация Древней Индии, ее вклад в мировую культуру, рукописи произведений в Индии, считающиеся популярными не только в свое время, но и сегодня. Труд «Раби аль-Аброр» Махмуда Замахшари, обладателя почетного звания «Учитель мира», содержит сведения об истории, ценностях, обычаях, диалектах, природе и географии разных народов. В этой статье рассматриваются некоторые цитаты, связанные с народом Индии в произведении.

Ключевые слова: ранняя цивилизация, рукопись, библиотека, «Устаз удуня», «Раби ал-абрар», шахматы, предательство, азартная игра.

Жаҳон маданиятида бир нечта илк цивилизациялар мавжуд бўлиб, улар ҳақида XIX аср рус олими Н. Я.Данилевский ўз назарияларини бериб ўтган. Хусусан олим, Миср, Хитой, Вавилон (Бобил), Ҳинд, Эрон, Европа, Грек, Рим, Араб ва Герман-Роман каби илк цивилизацияларни ажратиб кўрсатган.

Бу илк цивилизациялар орасида Ҳинд маданияти алоҳида ўрин тутади. Бу маданият бизга Махобхорат, Рамаяна каби эпик асарларни, Калидаса каби буюк ижодкорни, Панчаратрани етказиб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳинд маданияти риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт каби фан соҳаларида катта ютуқларга эришган.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган бир қанча алломалар ҳинд халқлари тарихи, маданияти ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаларига оид бир қанча асарлар ёзиб қолдиришган.

Буюк мутафаккир Абу Абдулло Мұхаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий ўзининг “كتاب الجبر والمقابلة” (Тўлдириш ва қарама-қарши қўйиш ҳақида китоб) ва “Ҳинд арифметикиси ҳақида китоб” каби асарларида ҳинд ўнлик саноқ тизими ва юонон геометриясини бирлаштирган ҳолда бугунги куннинг математикасига асос соглан.

Буюк аллома, барча даврларнинг йирик ҳиндунос олими ҳисобланган Абу Райхон Беруний ҳам ўзининг “Ҳиндистон” номи билан машҳур *تحقيق ما للهند* (“Kitob ал-жабр вал мукобала”) (Тўлдириш ва қарама-қарши қўйиш ҳақида китоб) ва “Таҳқиқ ма лил ҳинд мин маъқула мақбула фи-л-ақли ав марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ва сифмайдиган таълимотларини аниқлаш”) асарини ёзади. Алломанинг бу асарида Ҳиндистон халқлари ўтмишининг турли жабҳалари риёзиёт, фалакиёт, адабиёт, фалсафа, этнография, жўғрофия, ҳинд халқларининг қонуниятлари, қадриятлари, урф-

одатлари, диний таълимоти, диний ривоятлари, ҳинд ёзувлари, умуман олганда ҳинд халқлари ҳақида кўплаб маълумотлар ўрин эгаллаган.

Ўрта асрда яшаб ижод қилган “Бутун дунё устози” шарафли унвон эгаси Маҳмуд Замахшарий ҳам араб, форс, турк, юнон, грек ва ҳиндолари ҳақидаги турли маълумотларни ўз ичига олган “Рабиъ ал-аброр” асарини ёзди. Биз мазкур тадқиқотда мана шу асар ҳақида, унда берилган ҳинд халқларига оид маълумотларни, асарнинг Ҳиндистонда сақланаётган қўлёзмалари ҳақида маълумот берамиз.

Шу ўринда Ҳиндистоннинг Патна, Рампур, Худабахш, Калкутта, Гота кутубхоналарида турли даврларга ёзилган, дунё илм-фани ривожига муносиб улуш қўшган қўплаб асар қўлёзмалари сақланиб, дунё ҳазинасининг олтин фондлари сифатида эътироф этилаётганини ҳам таъкидлаш ўринли. Бу кутубхоналар кўплаб юртимиз алломаларининг машхур асарлари сақланиб келинмоқда. Хусусан, Марказий Осиёлик олим Аҳмад Фарғонийнинг “Устурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб”нинг қўлёзмаси Рампурда, “Ал-Фарғоний жадваллари” қўлёзмаси Патнада, “Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола” қўлёзмаси Готада сақланади

Буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг “Хамса” достонининг нодир нусхалари ҳамда ғазаллар девони Ҳиндистоннинг Худабахш, Рампур кутубхоналарда сақланади.

Йирик давлат арбоби шоир, олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Девони Бобур”нинг асл нусхаси ҳам айнан Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги “Роза” кутубхонасида сақланади.

Мазкур тадқиқотнинг бош манбаси бўлган “Рабиъ ал-аброр” асари қўлёзмалари Эрон, Туркия, Англия, Франция, Германия, Нидерландия, Буюк Британия, АҚШ ва Ирландия мамлакатлари каби Ҳиндистонда ҳам сақланади.

“Рабиъ ал-аброр” асарининг бир қўлёзмаси Ҳиндистоннинг Калкутта миллий кутубхонасида 16 инвентарб рақамда сақланади. Мазкур қўлёзма тўлиқ нусха ҳисобланади. Қўлёзма устида асар номи “Рабиъ ал-аброр ва нусус ал-ахёр” ва тартиб рақами 16 деб кўрсатилган. Қўлёзмада фихрист мавжуд бўлиб, унда асарнинг тўлиқ 98 бобининг номлари ва жойлашган бетлари кўрсатилган. Фихрист бошланган бет пастки қисмида иккита муҳр бор. Уларнинг биринчиси замонавий муҳр бўлиб, тожсимон шаклда бўлиб, унда Қироллик кутубхонаси деб ёзилган. Муҳр ўртасида 22 декабрь 04 санаси кўрсатилган. Иккинчи муҳр қовунсимон шаклда бўлиб, унда арабча матн келтирилади. Қўлёзманинг кўчирилган вақти 702 ҳижрий йил Зулқаъда ойи. Қўлёзма 563 варагдан (1126

саҳифа) иборат. Қўлёзма сўнгида асар бошида келган қовунсимон мухр яна келтирилган. Қўлёзмада пойгир мавжуд.

Қўлёзма бошланиши 16 варакда:

بسم الله الرحمن الرحيم الواحد العدل الحمد لله الذي استحمد الى عباده بموجبات المحمad

*Меҳрибон, раҳмли ва адолатли Аллоҳ номи билан деб бошлайман.
Бандаларига ҳамд айттирган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин.*

Қўлёзма якуни 563а варакда:

و يدخل فيه خط كرات فلا يبقى فيه عقرب إلا تبعته

Чаён овланган ерга саримсоқ пиёз қўйилса, натижада у ерга бошқа чаён келмайди.

“Рабиъ ал-аброр” асари ҳажм жиҳатдан катталигини ҳамда келтирилган ибораларни мураккаблигини инобатга олган баъзи олимлар ва таржимонлар мазкур асарни мухтасар, қисқа ҳолга келтирганлар. Улардан бири الأبرار ربيع از هار نفحات “Нафаҳату азҳор рабиъ ул-аброр” (“Яхшилар баҳори гулларининг хушбуйликлари”) қўлёзмаси. Тузувчиси номаълум бўлган мазкур қўлёзма ҳам бугунги кунда Ҳиндистоннинг Худабахш кутубхонасида 1851 инвентарь рақамда сақланади.

“Рабиъ ал-аброр” асарининг Буюк Британиянинг Жон Рейланд кутубхонаси нусхасида сақланадиган 242 инвентарь рақамли қўлёзманинг Британияга келиб қолиш сабаби Жорж Уилям Ҳамилтонга боғланади. 1823-1867 йилларда Ҳиндистонда ҳарбий хизматда бўлган полковник Жорж Уилям Ҳамилтон мингдан ортиқ араб, форс қўлёзмаларини Ҳиндистондан сотиб олган ва кейинчалик қўлёзмаларнинг 352 тасини Британия музейи ва кутубхоналарига топширган. Кўриниб турибдики, Ҳиндистон жуда катта, бой, илмий ва маънавий меросга эга бўлган мамлакат ҳисобланади.

“Хоразм фахри” бўлган аллома Маҳмуд Замахшарий бутун ҳаёти давомида Марв, Нишопур, Исфаҳон, Шом, Бағдод ва Ҳижоз ва Макка шаҳарва вилоятларида илмий сафарлар қиласи. Олим қай юртга бормасин, ўша ҳудуднинг тарихи, қадриятлари, урф-одатлари, уларнинг лаҳжалари, ҳудуднинг табиати ва географияси билан боғлиқ маълумотларни маҳаллий олимлар, донишмандлар, оддий аҳоли билан суҳбат қилиш ва ўзи кўрган маълумотларни ўзлаштиришга, уларни эслаб қолишга ва ёзишга ҳаракат қиласи.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр ва нусус ул-ахбор” (“Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори”) асари айнан юқоридаги маълумотлардан иборат асар ҳисобланади. Аллома мазкур асарни Куръони карим тафсирига бағишиланган “Ал-Кашшоғ” асарини ёзиб бўлгандан

сўнг, “Ал-Кашшоф”ни ўқиган китобхонларнинг дилларига ором бериш ва уларга яхши суҳбатдош яратиш мақсадида “Рабиъ ал-аброр” асарини ёзди. Асарда араб, форс, юонон ва ҳинд халқларининг турли соҳаларига оид кўплаб маълумотлар тўпланган.

Куйида ҳинд диёрига оид баъзи мисолларни келтирамиз:

“Рабиъ ал-аброр” асарининг “Мамлакатлар, диёрлар, иморатлар, меъморчилик ва вайронагарчилик, ватанни севиш ҳақида”ги тўққизинчи бобида Ҳиндистоннинг хушманзара ўлка эканлиги ҳақида куйидаги таъриф келтирилади:

وَصَفَ بِعُضُّهُمْ بِلَادِ الْهَنْدِ فَقَالَ: بَحْرٌ هُوَ دَرٌ، وَجَبَالٌ هُوَ يَاقُوتٌ، وَشَجَرٌ هُوَ عُودٌ، وَرَقَّهَا عَطْرٌ.

Улардан баъзилари Ҳиндистон ўлкасини таърифлаб: “Денгизи ям-яшил, тоғлари ёқут, дарахтлари баланд, барглари хушбўйдир.

Асарнинг тўққизинчи бобида яна юрт, ватан муқаддаслиги тўғрисида Ҳиндистонликдан қуйидаги иқтиbos келтирилади:

الْهَنْدُ: حَرَمَةُ بَلْدَكَ عَلَيْكَ كَرْحَمَةُ أَبُوكَ، إِذْ كَانَ غَذَاؤُكَ مِنْهَا وَغَذَاؤُهُمَا مِنْهُ.

Ҳиндистон: “Ватанингизнинг сиз учун муқаддаслиги ота-онангизнинг муқаддаслиги билан баробардир. Чунки сизнинг таомингиз улардан (ота-онадан), уларнинг таомлари эса, ундандир (ватан).

Асарнинг “Насиҳат, қабих ишлардан қайтариш ва раҳм-шафқат ҳақида”ги саксон бешинчи бобида хиёнат тўғрисида Ҳиндистонликдан қуйидаги иқтиbos келтирилади:

الْهَنْدُ: مَنْ كَتَمَ السُّلْطَانَ نَصْحَهُ، وَالْأَطْبَاءُ عَلَتَهُ، وَالْأَخْوَانُ بَثَهُ، فَقَدْ خَانَ نَفْسَهُ.

Ҳиндистон: Ақлли кишилар сultonга маслаҳатларини бермасалар, ўз касалликларини табибдан яширсалар, хавф-хатардан ўз биродарини огоҳ қилмасалар, улар ўзларига хиёнат қилган бўладилар

Асарнинг “Ҳаё, сукут, уялмаслик, эътиборсизлик ва тавозе ҳақида”ги йигирма биринчи бобида инсонга хос бўлган гапиришга оид Ҳинд подшоҳидан қуйидаги иқтиbos келтирилади:

مَلِكُ الْهَنْدِ: عَجَبَتْ لِمَنْ يَتَكَلَّمُ بِمَا أَنْ حَكَى عَنْهُ ضَرَهُ، وَأَنْ لَمْ يَحَكُ عَنْهُ لَمْ يَنْفَعُهُ.

Ҳинд шоҳи айтди: Мен ўзига заарар етказишни билсада шуни гапирадиган, унга фойда келтирмаслигини билсада гапирадиган инсонга ҳайрон бўламан.

Асарда энг қабих иш, гуноҳ саналган зинога қарши жазо тўғрисида Асарнинг “Ёмонлик ва бузуқлик, ёмон ва бузуқи кишиларнинг қилган фиску фужур ва ёмонликлари ҳақида”ги ўттиз олтинчи бобида “Ал-Масолик ва ал-мамолик” китобидан қуйидаги иқтиbos келтирилади:

قال صاحب المسالك والممالك: إن عامة ملوك الهند يرون الزنا ملحاً خلا قمار، وأقامت بمدينته سنتين فلم أر ملكاً غير منه، وكان يعاقب على الزنا والشرب بالقتل، وقامار ينسب إليها العود، كما ينسب إلى مندل. قال مسكين الدارمي.

“Ал-масолик ва ал-мамолик” муаллифининг айтишича, қимор подшоҳидан бошқа хинд подшоҳларининг кўпи зинони хуш кўрган. Мен икки йил унинг шахрида (у ҳукмронлик қилган шахри) турдим, ундан яхшироқ подшоҳни кўрмадим. У зино қилган, шароб ичганин қатл билан жазоларди, кўпчиликнинг қиморга қайтишлиги рости, худди фолбинликка қайтишганлиги каби.

Асарда урушда, жангда йўқотищиз, талофатсиз ғолиб бўлиш мақсадида ўйлаб топилган шахмат ўйини ҳакида қуйидаги иқтибос келтирилади:

قالوا إن سبب وضع الشطرنج أن ملوك الهند ما كانوا يريدون القتال، فإذا تنازع فريقان في كورة أو مملكة تلاعاً بالشطرنج، فيأخذها الغالب من غير قتال.

Айтиладики, шахматнинг ривожланиши Хиндистон подшоҳларининг жанг қилишни истамаганлиги билан боғлиқдир. Улар бир мамлакат ёки ҳукмронлик учун икки томон жанг қилмасдан шахмат ўйнаса, қурбонликдан ҳоли бўлади. Шахмат ғолиби ғолиб сифатида этилади.

Инсон саломатлигига оид Асарнинг “Вактлар, дунё ва охират ҳакида зикрлар” номи билан бошланиб, охирги етминчи бобида хинд табиидан қуйидаги иқтибос келтирилади:

طبيب الهند: منفعة الحقة للإنسان كمنفعة الماء للشجرة إذا سقى أصلها.

Хинд табиби айтад: Дараҳтнинг суғорилган илдизи учун сув қанчалик фойда келтирса, Инъекция инсоннинг соғлиги учун шунча фойдалидир.

“Рабиъ ал-абброр”да келтирилган насиҳатлар, маълумотлар нафақат ўз даври учун, қолаверса бугунги кун учун ҳам долзарб ҳисобланади. Асарда келтирилган бугунги кундаги муҳим бўлган тарихий, ижтимоий-ахлоқий маълумотларни кенг китобхонларга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБАИЁТЛАР РЎЙХАТИ(REFERENCES)

1. <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf>
2. Маҳмуд Замахшарий. “ربيع الأربع ونصوص الأخيار” “Рабиъ ал-абброр ва нусус ал-ахёр”. Хиндистон. Калкутта миллий кутубхонаси. № 16
3. Шадманова С.Б. Юлдашев М.М. Тарихий тадқиқотларнинг методологияси ва замонавий усуллари. “O‘zbekiston” НМИУ. 2019 йил.